Буюк Британияда Quick Tap мобил тўлов тизими ишга тушди. Лойиҳа Orange мобил алоқа оператори ва Barclays банки бўлинмаси — Barclaycard компанияси ҳамкорлигидан амалга оширилди.

Хозир “Тумани Албинон”нинг қатор савдо тармоқлари, жумладан, McDonald's тез овқатланиш шохбочалари, EAT ва Pret-a-Manger қаҳваконалари ва Boots дорихоналаридан смартфон ва махсус курилма орқали тўловлар амалга оширилди.

BIZNES

Йил оғир келди

Sony компанияси сўнгти 12 ойда 3,2 миллиард долларлик йўқотишига учраганини маълум қили. Бунга бир нечта сабаблар келтирилган.

Масалан, биргина PlayStation Network тармоғига хакерлар ҳужуми ва бир ой ишламай туриши 171,17 млн. доллар зарап келтириган.

Солиқ активлари сурилиши, март ойдаги зилзила оқибатлари, телевизорлар, ўйин курилмалари, плеерлар соҳасидаги жиддий рақобатдан компания катта зарап кўрган. Хуллас, компания сўнгти 16 йиллик тарихидаги энг катта зарапга учради.

Шунга қарамасдан, жорий молиявий йил учун прогнозлар ижобий: компания 2,4 млрд. доллар фойда олиши режалаштирипти.

МИНГ ОЙНИ КҮРГАН КИШИ

Кунларнинг бирида Ёкубжон дабдурустдан "Мени танийсиз?" деб қолди. — Албатта, сиз "ЎзИ-Термиз" филиалининг энг мохир кабел-пайвандловчиси, — дедим. — Колаверса, мини футбол мусобақасида Ёкубжон Чоршанбиевга ҳозирча тенг келадигани йўқ.

Ўринли баҳога алоқа соҳаси муҳанис Зафар Норалиев ҳам қўшимча қиларкан:

— Энг муҳими, Ёкубжон дилкаш инсон, — деди жиддий оҳангда. — Ишнинг кўзини билди, бир даврани "туллата" олади. Эътиборлиси, ёши қирқдан ошган бўлса ҳам Болта бобонинг эркаси!

Зафаржоннинг ҳазилидан бир оз истиҳолага борди шекилли, Ёкубжон "Эркас эмас, кенжасиман" деб кўйди. Сўнгра ҳузуримизга не мақсадда келганини айтди: — Отамга минг ойлик кўрсатади. Ўша ойлар ҳеч ёдидан чиқмайди. Айниқса, сутдек ёрут тунларда ҳам даладан чиқмасди. Олис юртларда эса ҳаёт-мамот жанги борарди.

Уруш тугаган йили Чоршанбиевлар оиласи Жаркўғоннинг Оқтепа қишлоғидан Термиз туманига кўчиб келишиди. Бўй-басти билиниб қолган Болта ўз баҳтини шу ердан топди. Аннаевлар оиласида вояжи еттан Норбий билан турмуш курди. Тўйнгич фарзандига Тойир деб исм кўйишиди. Кейинчалик Абдулсалом, Турдикол, Жўра, Хосият, Рисолат ва Ёкуб дунёга келди.

Норби момонгиз билан қарийб 50 йил бирга яшадик, — деди меҳнат фахрийси Болта бобо Чоршанби-

ни эшитиш биз учун ҳам осон бўлмади. Қатагон йиллари "шамоли"дан эсон-омон жон сақлаб қолган ўғлон энди кульча нонга кўли етди деган чорда яна бир фалокатга дуч келди. Ер юзида Иккичи жаҳон уруши бошланди. Болтанинг ёши фронта жўннатишга етмади. У фронт орқасини мустаҳкамлашга баҳоли-кудрат ҳисса кўша бошлади. Гоҳ суйил қўшилган от жиловини ушласа, гоҳ кўш ҳўкизига тиркалган омоч балодгини туради. Тўйиб овқат емаслик баъзан ўз таъсирини кўрсатади. Ўша ойлар ҳеч ёдидан чиқмайди. Айниқса, сутдек ёрут тунларда ҳам даладан чиқмасди. Олис юртларда эса ҳаёт-мамот жанги борарди.

Болта бобо Чоршанбиевнинг янада нурафшон! Юрдошлари қатоғри у ҳам мустақиллигимизнинг 20 йиллик тўйи билан боғлиқ ҳалқ сайларидан иштирок этмоқда. Бобо ҳали бардам. Томорқа ишларида қатнашади, мевали дараҳтларни парваришиллашдан ҳеч ҳам эринмайди. Алқисса, баҳти-саодатли кунларга шукроналик туйгуси унга ҳар доим кўтарилик кайфият баҳш этмоқда.

Норби момонгиз билан қарийб 50 йил бирга яшадик, — деди меҳнат фахрийси Болта бобо Чоршанби-

ев. — Бирон марта сиз оғизим сенга бормади. Бир-биримизни тушуниб, хурмат қилиб яшадик. Қани эди, ҳозир ёнимда бўлса, минг ойлик тўйимни биргаликда ўтказадик. Оламдан ўттагнига ҳам ўн беш йил бўлди. Худо раҳмат қилган бўлсин.

Болта бобо фарзандларининг ҳам-масини яхши кўради. Аммо кенжа ўғлон — Ёкубжонга мөхри бўлакча. Шу боис, у билан бир уйда яшамоқда. Ёкубжон алоқа соҳасида қарийб чорак асрдан бўён хизмат қилиб келади. У касбни танлагандаги отаси қаршилик қилмади. Аксинча, қўллаб-куватларди. Ўшанда адашмаган экан. Бугунги кунда "ЎзИ-Термиз" филиали жамоаси орасидан мохир кабел-пайвандловчи Ёкубжон Чоршанбиевнинг ўз ўрни бор.

Минг ойни кўрган табаррук инсон Болта бобо Чоршанбиев кўнгли бугун янада нурафшон! Юрдошлари қатоғри у ҳам мустақиллигимизнинг 20 йиллик тўйи билан боғлиқ ҳалқ сайларидан иштирок этмоқда. Бобо ҳали бардам. Томорқа ишларида қатнашади, мевали дараҳтларни парваришиллашдан ҳеч ҳам эринмайди. Алқисса, баҳти-саодатли кунларга шукроналик туйгуси унга ҳар доим кўтарилик кайфият баҳш этмоқда.

Нортожи ЗИЕЕВ,
"Хабар"нинг Сурхондарё вилоятидаги мухобири

Жамият тараққиётida оила муҳим бўғин ҳисобланади. Оиласи тинч одамнинг ишида унум ва самара бўлади. Давлат оиласи аларнинг муҳофазасини ҳам таъминлайди. Бу Конституциямизда ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, Баш Комиссиининг XIV боби, 63-моддасида "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга" деб белгилаб қўйилган.

Шунингдек, ушбу моддада никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқилилигига асосланиши ҳам қайд қилинган.

Конституция ва оила ҳуқуқи

Маълумки, оиласи ота-оналарнинг фарзандлари олдида, ўз навбатида, фарзандларнинг ҳам ўз ота-оналари олдида тегишли бурчлари бор. Бу Конституциянинг 64 ва 66-моддаларида ўз ифодасини топган: "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашда иштирок этади. Мажбурдилар", "Вояга етган, меҳнатида лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдилар". Оиласи асрараш, фарзандларни жамиятга фойдаси тегадиган, ҳар томонлама комил инсон қилиб тарбиялашда ота-оналарнинг зиммасида катта маъсүлият бор. Фарзандининг то вояга етгунига қадар моддий таъминотидан тортиб, унга яхши одоб-ахлоқ беришдан ташқари, ота ва она касбхунар эгаллашида ҳам бош-қош бўлишга масъуллур.

Мамлакатимизда оналик ва болалик давлат томонидан ҳар тарафлама муҳофаза қилинмоқда. Соглом авлодни камол топтириш мақсадида турли дастурлар узвий равишда амалга оширилиб келингани. Бунда, айниқса, маданий-матрифий ва спорт тадбирларига алоҳида эътибор қаратилмоқдаки, булар ўзининг ижобий натижаларини кўрсатади. Бу кейинги йилларда мамлакатимизда болалар ӯлимининг кескин камайиши, улар ўтасида юкумли касалликлар билан хасталаниш сезиларни пасайгани, ўғил ва қиз болаларнинг жисмоний жиҳатдан ўсишига яққол кўзга ташланмоқда. Мисол учун, ўтган беш йилда спорт билан шугулланадиган 10 – 14 ўшаги болаларнинг бўйи ўртacha 2,3, қиз болаларнинг бўйи 2 сантиметрга ўтгани, вазни эса 2,6 ва 2,9 килограммга ошгани бу борадиги ижобий ўзгаришлардан. Давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан амалга оширилган кенг қўламли ислоҳотлар оиласи аларнинг мустаҳкамлилигига, жамиятда соглом турмуш тарзини қарор топтиришади.

Оила муқаддас қўргон. Уни асрар-авайлаш борасида мамлакатимизда мустаҳкам қонуний асослар яратилган. Ана шу қонун-қоидаларга ва бу борадаги миллый анъана-ларимиз ҳамда қадриялариниға риоя қилиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиизdir.

Н.САЛИМОВА,
Тошкент шаҳар,
Юнособод тумани 1-Давлат
нотариал идораси нотариуси

Орзуқуловнинг орзулари

У болалигига ҳарбий учувчи бўлишни орзу қиларди. Катта шаҳарлардан анча олиса, тоғ кўйинида қишилоқда вояга етадиган оддий дехқон ўзин учун "қизил тузум" даврида бундай орзуларнинг ушалиши амримаҳол эди. Айниқса, рус тилини бilmасдан турбий ҳарбий билим юртларига киришга бўлган ҳаракатнинг ўзи амалга ошмайдигандай туюларди.

Бироқ бизнинг қаҳрамонимиз хўжашмакентлик Парда тақдирга тан берадиганлардан эмас эди. У ўрта мактабни мвувафқиятили битиргач, Тошкентта йўл олди. Алоқа институтига ҳужжатларини топшириди. Аниқ, фанлардан бўлган дастлабки имтиҳонлардан ўтди, аммо айнан рус тили ва адабиети фани бўйича имтиҳонда қоқиди. Диёнатли кишилар ҳар доим ҳар қандай шароитда ҳам бўлар экан, қишилоқ боласининг тиришкоқлигини англаб, унга истисно сифатиди қрайта имтиҳон топширишга руҳсат бериши.

Ўша иккичу кунлик вақт орасида имтиҳонга қрай ҳолатда тайёргарлик кўрганим кечагидай ёлимда, — деб эслайди Парда ака. — Тўлиқ тушунмасамда, рус тилидаги газета-журналларни қрайта-қрайта ўқидим, "Сатурн" опаздигает на связь" деган китобни хижжалаб ўқиб чиқдим. Ҳар ҳолда, ҳаракатларим зое кетмади, қрайта имтиҳонда қоникарлар баҳо қўйишди.

Шу тариқа Парда Орзуқуловнинг орзуси ушала бошлади. Талабалик даврида ҳарбий алоқачи бўлиш учун алоҳида рўйхатта ёзилди, келгусида ҳарбий форма кийшишига ишона бошлади. Таксимлаш, пайтida бир неча комиссиялардан ўтган бўлса-да, аммо негадир ўша рўйхатдан тушиб қолди...

— Аммо, мен ўз кисметидан нолимайман, аксинча, болалик орзум мени фуқаро алоқачиси бўлишга етаклаганини алоҳида қайд эттим келди, — деди "Сирдарё Телеком" филиалини етакчи муҳандиси, фахрий алоқачи Парда Орзуқулов. — Бу соҳадаги қарийб кирқ йиллик меҳнатим ўзим хуш кўрган касб билан боғлиқ эканлигидан мамнунман.

Дарҳақиқат, 1973 йилдан бўйн алоқачи-муҳандиси сифатида вилоят марказида яшаб, меҳнат қилиб келаётган Парда ака баҳтили инсонлардан бири. У бўлажак рафиқаси Жамилахонни ҳам шу касб орқали топди, узоқ йиллардан бўйн ёнма-ён ишлаб, бирга умргузаронлик қилиб келишмоқда. Гарчанд айни пайтida Жамила ая пенсияда бўлса-да, уни фахрий алоқачи-хисобчи сифатида ҳозир ҳам тез-тез йўқлаб туришади. Парда ака ва Жамила аялар том маънода алоқачилар суоласини яратиши. Уч қизлари Кумуш, Комила, Насиба ҳамда келинлари ҳам "Сирдарё Телеком" филиалида ишлашмоқда. Иккичи фарзанд


— Шуҳратбек ҳам алоқачи-муҳандиси "МТС-Ўзбекистон" XК Сирдарё филиалида мутахассис. Бу суоладаги набиралар сони олти нафарга етди, бу жажки ўғил-қизлар ҳам ўз ота-оналари, буви ва буваларига ўҳшаб алоқачилик касбини танлашса, ким ҳам ҳайрон қоларди дейсиз...

Биз Парда ака билан уста-шогирдлик ҳақида сўхбатлаштаганимизда хонага атай чақиргандай ўнинг шогирдларидан бири — Мирзаобод туманининг етакчи муҳандиси Яшар Сеписловом кириб келди ва мавзуни англаб, дарров сўхбатта кўшилди:

— Бошқармaga келсан ҳар сафар устоз Парда аканинг олдига бирров кириб ўтаман, бу кишидан қанчан ўрганмайлик шунчиз оз. Устознинг камтариниги, очиқ-қўнгиллилиги ёқади. Ўттиз йиллик фаолиятимда бирон марта ҳам сен-менга бормаганим.

Ха, "Дўстлик" ордени соҳиби, кўплаб фахрий ёрлиқлару қимматда боғлаворларни топтиришади. Парда Орзуқулов кўпчилк орзу қўлган ҳаёт кечирилти, у вилоят алоқачиларининг ҳақиқати фахрига айланган. Бу фахр эгаши ҳали кўп йиллар вилоят алоқача тармогида ўз хумматини баҳшида этиб юришини истаб қоламиш.

Суон НОМОЗОВ
Сирдарё вилояти



Уста бўлсанг, устозингни унутма.

АКМда Есенинхонлик

Сергей Есенин – нозик қалб изтироблари, туйғулар ҳолати, табиат билан боғлиқ рухий кечинмаларни ифодалашынг устаси, шу билан бергә, қишлоқ ҳаёти, халқ тили ва қалбининг билимдоми бўлган рус шоирларидан биридир.

Унинг Ҳофиз, Саъдий, Ҳайём каби Шарқ ижодкорларида ҳурмат-эхтироми баланд бўлиб, ушбу муҳаббатини 1924-1925 йилларда ёзилган “Форс тароналар” номли шеърларидан билса бўлади. Шоир 1921 йилда Тошкент ва Самарқанд шаҳрларида бўлган. Унинг “Танланган шеърлар”, “Замин дарғаси”, “Лирика: шеърлар, достонлар” шеърий тўпламлари Э.Воҳидов томонидан ўзбек тилига moxiro на таржима қилинган.

Есенин ижодига ўзбек

шеърият ихлосмандлари қизиқиши ва ҳурмат билан қарашади. Буни ҳар йили республикамиз миёссида ўтказилиб келинаётган “Есенинхонлик кунлари”дан билсак бўлади. Буни Пушкин номидаги Самарқанд вилоят аҳборот-кутубхона маркази, “Рус маданияти” маркази Самарқанд бўлими, СамДу қошидаги 2-академик лицей, Иқтисод ва сервис коллежлари ҳамкорлигида ўтказилган “Менинг шеъриятим Ватанинга бўлган муҳаббатим ила тириклир” деб номланган тадбир мисо-

лида кўриш мумкин.

Тадбирда таълим мусассалари талабалари иштирок этишли. Унда шоир ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги “Севимли рус шоири – Есенин 116 ёшда” номли мультимедия намойиши, шеърларидан на-муналар, асарлари тақдимoti уюштирилди.

Айниқса, коллеж талабалари томонидан шоир шеърларининг талқин қилиниши тадбирга янада фарз кириди.

**Маҳбуба КУЛОВА,
АКМ бўлими мудири**

“Билайн”: “Зўр-зўр” тариф режаси абонентларига олтин рақамлар

“Билайн” “Зўр-зўр” тариф режасининг янги абонентлари учун акция ўтказилаётгани ҳақида хабар беради. Эндиқда тарифга уланиш чоғида мутлақо бепул асосда \$50 лик чирошли рақамини қўлга киритишингиз мумкин.

Мазкур воқеани шарҳлар экан, “Юнител”нинг оммавий бозорини ривожлантириш бўйича тијорат директори Марат Сериков қуидаги-ларни қайд қилди: “Абонентларимизни “Зўр-зўр” тариф режаси доирасида акция ва бонуслар билан ҳурсанд қилишда давом этмоқдамиз. Ишонамизки, “олтин рақам” каби совфамиз ёшларга мўлжалланган тарифимиздан фойдаланувчиларга маъқул келади”.

Рақамни яқин атрофингиздаги “Билайн” офисларида ёки компа-ниянинг расмий дилерларида олишингиз мумкин.



Ucell: «Дўстим ҳисобидан қўнгироқ»

UCell алоқа оператори ўз абонентлари учун янги «Дўстим ҳисобидан қўнгироқ» хизма-тини таклиф этмоқда.

Ҳисобингизда маблағ қолмадими? Ёки сиз яқин инсонингиз билан барча мулоқот учун харажатларни ўзингизга олишини истайсизми? Энди «Дўстим ҳисобидан қўнгироқ» хизмати билан сиз ҳисобингиз ҳақида қайғурмасдан қўнгироқ амалга оширишин-гиз ёки яқинингиз сизга қўнгироқ қилганда ҳаражатлари ҳақида бош қотирмасликка кўмаклаши-шингиз мум-кин.

Ҳизматдан фойдаланиш учун дўстингиз рақамидан олдин юлдузча (*) рақамини терсангиз кифоя. Масалан, *99893xxxxxx ёки *99894xxxxxx.

Қўнгироқни қабул қиласаётган абонентга сизнинг рақамингиздан қўнгироқ амалга оширилади ва сўзлашувни унинг ҳисо-бидан тўлаш таклиф этилади. Агар қабул қиливчи абонент қўнгироқни тўлашга рози бўлса 1 рақамини босиши лозим, агар рози бўлмаса 2 рақамини ёки қўнгироқни туга-тиш түгмасини босиши лозим, бунда қабул қиливчи абонент қўнгироқни рад этгани ҳақида хабар берилади.

Уланиш муваффақиятли амалга оширилганда, қўнгироқнинг ҳар бир дақиқаси қабул қиливчи абонент тариф режадаги тармоқ ичига чиқиши дақиқасига тенг нархда нархланади.



имконияти сақланиб қолади.

Оқ рўйхат

Агар сиз маълум бир абонентдан кела-диган қўнгироқни тўғридан-тўғри қабул қилишини истасангиз, сиз ушбу рақамини «Дўстим ҳисобидан қўнгироқ» хизматининг Оқ рўйхатига киритишингиз мумкин. Бунда ушбу рақамдан амалга оширилган қўнгироқ тўғридан-тўғри, тасдиқлашсиз қабул қилиниади.

«Дўстим ҳисобидан қўнгироқ» хизматидан фақат тармоқ ичига ва Prepaid тизими-даги абонентлар ёртасида фойдаланиш мумкин.

Хизмат ҳақида батафсил аҳборотни www.uCell.uz саҳифасида ва компания оғисларида олиш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АҲБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги “Телекоммуникациялар ва поча алоқаси соҳасида бошқарув тизими-мини тасмиллаштириш чора-тад-бириларни тўғрисида”ги 458-карори билан тасдиқланган “Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низом”нинг 49-бандига асосан:



“LIT TEL” масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойихалаш, куриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятiga берилган АА серияли 0002438 рақамли;

“SANI TELEKOM” унитар корхонасининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини куриш бўйича фаолиятiga берилган АА серияли 0002335 рақамли;

“Star Light Gold” масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳукуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятiga берилган АА серияли 0002168 рақамли;

“INTA ENGINEERING” масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини куриш бўйича фаолиятiga берилган АА серияли 0003108 рақамли;

“Хуршед-3” масъулияти чекланган жамиятнинг (Самарқанд ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳукуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятiga берилган АА серияли 0001777 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2011 йил 20 майдан тутатилди.

ТОШКЕНТ АҲБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҚҮЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Кафедра мудири:

Ўзбекистон тарихи, Электр зан-жирлар назарияси.



Профессор:

Аҳборот технологиялари – 1.

Доцентлар:

Компьютер тизимлари – 1; Менежмент ва маркетинг – 1.

Катта ўқитувчилар

Иқтисод – 2, Техник таълим педагогикаси – 1, Информатика ва компютер графикаси – 2, Ўзбек ва рус тиллари – 1, Аҳборот хавфсизлиги – 1, Менежмент ва маркетинг – 1, Радиоалоқа курилмалари ва тизимлари кафедраси – 2, Чет тиллари – 1, Аҳборот технологиялари – 1.

Ассистент (ўқитувчи)лар:

Олий математика – 1, Телекоммуникация тармоқлари ва коммутация тизимлари – 1, Маълумот узатиш тизимлари ва тармоқлари – 1, Телекоммуникация узатиш тизимлари – 1, Чет тиллари – 3.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичига қабул қилинади. Танловда кўрсатилган ла-возимлар бўйича фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг стук мутахассислари қат-нашишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри,
Амир Темур кўчаси, 108-йи.
Телефон: 238-64-06.

Мустақиллик кубоги Баш жамоада

2011 йилнинг 20-22 май кунлари Чирчиқ шаҳридаги Олимпия захиралари коллежи манежида ОАТ "Алоқабанк"нинг худудий филиаллари, мустақил бошқармаси ва бўлим жамоалари ўртасида футзал бўйича "Мустақиллик кубоги" мусобақаси бўлиб ўтди.

Мазкур мусобақа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 6 апгелдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллиги нишонлашга тай'ерларик кўриши ва уни ўтказиш тўғрисида" ги Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 3 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси футболни ривожлантириш давлат томонидан янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ижросини таъминлаш максадига ўтказилди.

Мусобақага ташриф буторган 15 жамоа 4 гуруҳга бўлинган ҳолда чорак финал йўлчалиларни берувчи 1-2-ўринлар учун кураш олиб борди:

"А" гуруҳи – Навоий, Наманган, Қорақалпогиситон, Жиззах.

"В" гуруҳи – Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм, Фархийлар.

"С" гуруҳи – Баш банк, Ташкик иқтисодий алоқалар, Андижон, Самарқанд.

"Д" гуруҳи – Бухоро, Тошкент, Фарғона.

Чорак финал. Навоий жамоаси Ташкик иқтисодий алоқалар жамоасини (5:2), сурхондарёликлар тошкентликларни (1:0), Баш банк жамоаси наманганлик футзалчиларни (4:3), бухороликлар эса хоразмлик ҳамкаслари жамоасини (2:1) енгил, кейнинг босқичда куч синашлаган бўлиши.

Ярим финал. Финал арафасидаги баҳсада навоийликлар Сурхондарё жамоаси дарвозасига жавобсиз учта тўп киритишган бўлса, Баш банк – Бухоро жамоалари ўйинда асосий вақтда томонлар муроса кўчасини танлашида ва голиб номи пеналтилар серисида аниқланди.

Навоий – Сурхондарё – 3:0
Баш банк – Бухоро 0:0

(пеналтилар бўйича – 4:3).

Финал. Ракиблари дарвазасига энг кўй йўл топа олган жамоаларнинг учрашиши олдиндан кўпчиликда қизиқиши ўйготаётганди. Футзалчилар ҳам бу иштиёқни сўндирилмаслик учун астойдил ҳаракат қилишиди. Ҳакамнинг ўйин учун ажратилган вақт тутаганингин билдирувчи ҳуштаги чалингандаги табода жанговар дурранг – 2:2 ҳисоби порлаб туради. Демак, голиблик энг омадли жамоага, ўзига хос футбол лотереяси – пеналтилар голибига наисбетладиган бўлди.

Қайдидир маънода ярим финал пеналтилар сериясидаги "кичик тажриба" ҳам Баш банк жамоасининг мусобақани голиб сифатидаги якунашига сабаб бўлди. Баш банк – Навоий – 2:2 (пеналтилар натижалари – 4:2).

Мусобақа сўнгига голиб ва совриндорларни тақдир-



лаш маросими ўтказилди. Шунингдек, турли номинациялар бўйича ҳам иштирокчиларга диплом ва эсадлик савфалари топширилди.

"Энг яхши жамоа" – Наманган жамоаси.

"Энг яхши дарвозабон" – Олим Маматраимов, филиал бошлиги (Сурхондарё жамоаси).

"Энг яхши ҳимоячи" – Сардор Эргашев, 1-тоифали мутахассис (Ташкик иқтисодий алоқалар жамоаси).

"Энг яхши ҳужумчи" – Игор Тишин.

Машарип Машарипов, касир-назоратчи (Хоразм жамоаси).

"Энг моҳир тўпуар" – Нуриддин Нарзиев, етакчи мутахассис (Бухоро жамоаси).

"Энг ёши улуг қатнашчи" – Мутали Мусабоев, мини-банк мудири, 48 ёш (Наманган жамоаси).

"Энг яхши мураббий" – Олим Истроилов, филиал бош бухгалтери (Фарғона жамоаси).

"Энг яхши ҳакам" – Игор Тишин.

Почтачилар футзал турнири голиби

Хоразм вилояти алоқа корхона ва ташкилотлари жамоалари ўртасида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Республика алоқа ходимлари касаба ўюнмаси марказий кенгашининг 2011 йилги Кўйма кубоги учун футзал мусобақаларининг I босқичи бўлиб ўтди. Жамоалар Урганч Олимпия захиралари коллежи спорт залида тўп суринди.

Мусобақа "Хоразм Телеком" филиали, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Хоразм филиали, "Матбуот тарқатувчи" ШК, Радиотелевидение узатиши маркази, Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали, ОАТ "Алоқабанк" Хоразм филиали жамоалари иштирокида икки гурухда давра тизимида ўтказилди.

Ўз гурухларидаги 1-2-ўринларни эгаллаган алоқабанчилар, телекомчилар, матбуот тарқатувчи ва поча жамоалари ярим финалга йўл олишиди. Бу босқични муввафқиятли якунлаган "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ва ОАТ "Алоқабанк" Хоразм филиаллари жамоалари финалда ўзаро куч синашди. Ушбу ҳал қўйувчи ўйинда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Хоразм филиали жамоаси рақебини 3:2 ҳисобида енгил, мусобақа голибига айланди. "Хоразм Телеком" футзалчилари эса учинчи ўринга кўтарилиши.

Мусобақа якунида ЎзААА Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиги ўринбосари Қ.Хайдитбоев ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба ўюнмаси кўмитаси раиси З.Бобоҷонова жамоаларга диплом ва эсадлик совагаланини топширилди.

А.САЛАЕВ,

Хоразм вилояти алоқа ходимлари
БКУК спорт йўриқччиси

Республика спартакиадаси якунланди

Жорий йил 17-18 май кунлари Яккасарой спорт мажмуасида Ўзбекистон касаба ўюнмасида федерациясига аъзо ва унинг тасаруфида ташкилотлар ходимлари ўртасида республика спартакиадасининг финал мусобақалари бўлиб ўтди.

Финал мусобақаларидаги рус шашкаси бўйича эркаклар ўртасида Қорақалпогистон Республикаси алоқа ходимлари бирлашган касаба ўюнмаси кўмитасининг спорт йўриқчиси Владимир Бегларян спартакиада чемпиони унвонини кўлга киритди.

Колган спорт турларида соҳамиз касаба ўюнмаси вакилари кучли саккизликтан ўрин олдилар.

Спартакиада нетизи ҳисобланган мини-футбол мусобақаларининг финалида алоқачилар касаба ўюнмаси жамоаси таълим ва фан, агро-саноат таъбиёт ходимлари касаба ўюнмаси жамоалари билан куч синашди.

Тиббиёт ходимлари жамоаси 2-1, агро-саноат ходимлари жамоаси 5-0 ҳисобида мағлубиятга учратили.

Халқ таълими жамоаси би-

лан ўтган учрашувда жамоамиз ўйинни бой бериб қўйди ва гурухда иккичи ўринни эгаллади.

Гурухларда иккичи ўринларни эгаллаган жамоалар учинчи ўрин учун ўзаро курашилар. Фарғона вилоятини касаба ўюнмаси жамоалари ташкилотлари бирлашмаси жамоаси билан муросасиз ўтган бу учрашувнинг асосий вақтида ҳисоб очилмади. Ўйиндан сўнг пеналти бажарисда бизнинг спортчиларимиз зарблашлари аниқроқ бўлди: 3-2.

Умумжамоа ҳисобида голиблар аниқланмади.

Чемпионлар билан танишинг

"Ўзбектелеком" АК "ТШТТ" филиалида 20-21 май кунлари спартакиада мусобақалари ташкилаштирилди. Спартакиада доирасидан ўрин олган шахмат, шашка, стол тениси ва футзал беллашувларидаги филиал бошқарувчи ҳамда Мирзобод, Мирзо Улугбек, Чилонзор, Шайхонтохур, Янгиобод, Марказий телефон боғламалари ва Станциялараро алоқа боғламаси жамоалари голиблик учун курашилди.

Футзал. Финалда Мирзо Улугбек телефон боғламаси жамоасини йирик 5:1 ҳисобида дозда қолдирган Чилонзор телефон боғламаси жамоаси илк маротаба филиал чемпиони деган шарафга сазовор бўлди. Учинчи ўрин тақдирни "ТШТТ" бошқарувчи Станциялараро алоқа боғламаси жамоалари ўртасидаги учрашувда аниқланди, "ТШТТ" ўйинни ўз фойдасига якунлади.

Колган спорт турлари бўйича қўйидаги натижалар қайд этилди.

Стол тениси. Эркаклар ўртасидаги беллашувларда А.Семахин, аёллар ўртасида эса С.Долготага тенг келадиганлар топилмади – ҳар иккаки-

ласи ҳам Мирбод ТБ вакили. Кейинги ўринларни А.Қамбаров (Мирзо Улугбек ТБ) ва А.Мирсагатов (Шайхонтохур ТБ)лар банд этилди. Аёллар ўртасида эса иккичи ва учинчи ўринлар А.Қаюмова (Чилонзор ТБ) ва Т.Корнева (Янгиобод ТБ)ларга наисбет этиди.

Шахмат. К.Имомов (Мирзо Улугбек ТБ) турнир голиби бўлди. Чилонзор ТБ жамоаси аъзоси Ё.Аминжонов ва Янгиободликлар вакили М.Абдуллаевлар иккичи ва учинчи ўринларни банд этилди.

Аёллар ўртасида шахмат този Янгиобод ТБ аъзоси С.Амерхановага наисбет этиган бўлса, З.Ёрматова (Марказий) ва Ж.Нигай (Мирбод)лар кейинги ўринларга сазовор бўлиши.

Шашка. Ўз йўналишларида А.Шермуҳамедов (Мирзо Улугбек ТБ) ва Н.Султонова (Марказий ТБ) чемпионликка эриши. Шунингдек, Б.Наҳанов (2, Шайхонтохур), Ф.Хикматуллаев (3, Янгиобод ТБ), А.Булатова (2, Янгиобод) ва У.Абдуллаева (3, Чилонзор ТБ)лар жамоалари шарафини муносиб ҳимоя қилиши.

Спартакиада якунида голиб ва совриндорларга диплом ва совғалар топширилди.



Ўзганиларни охирин обод бўлсин

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиали жамоаси Қибрий почта алоқаси тармоғи бошлиги Миракбар Мирзазаҳмедовга падари бузруквори

Мисроат отанинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдларлик билдиради.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиали жамоаси филиал ҳуқуқиниши Венера Цойга отаси

Григорий ЦОЙИНинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

КАДР

Яқинда буюмларимни кўздан кечираётсам, шкафнинг бир чеккасида эскигина тутунча чиқиб қолди. Кўлимга олиб, очиб кўрмасидан ҳаяжонлана бошладим. “Шу пайтга чурган эканми?”, — кўнглиминдан ўти. “Ишқилиб турган бўлсин-да”, аллақандай илинж, аникроғи, соғинч билан тутунчани очдим... Ҳа, бу ўша, бувимга жанжал қилиб одилрган севимли дўппим эди. Таг ипаклари бир оз сарғайбди. Лекин гулларининг жилвалиси ўша-ўша. Хотира менин бирпаста узоқда колган болалигимга етаклади...

Биринчи синфга борган йилим бўлса керак. Мен кенжаба навара бўлганинг учунни, севимлилик мақомимдан жуда кўп фойдаланардим. Бувимнинг энг сара эртак, топишмоқ, афсона ривоятлари

менга айтиларди. Тандирда кичик кулча атай мен учун қизартириб пишириларди. Мехмонга борищақу, бувимдан олдин кўчага чиқиб турардим.

Бувим сингилларини кўриб келмоқчи бўлди. Мен этакларидан маҳкам ушлаб, ялинчоқ нигоҳимни улардан узмай мўлтилаб туравердим. Бувим бу одатимни билгани учун ҳам ойимдан рухсат олиб чиқкан эканми, ҳечам эътиroz билдиримай кўлнимдан етаклади.

Энг аввало, бозорга кирдик. Анвойи мевалардан олдик, ёнига нон кўшшик. Бувим қанд-курс

олмоқчи бўлиб, бошқа растага қараб юрганида бир аёлнинг кўлида шу дўппичани кўриб қолдим. Бир даста гул бўлиб кўринди кўзимга, жуда кийиб кўргим келди.

— Буви, дўппи, — дедиму кўлларини кўйиб юбориб, сотувчи аёлга талпиндим. У ҳам худди шуни кутиб тургандай кўлидаги дўппини бувимнинг кийиб уни маҳкам ушладим. Бувимнинг олиб беришдан бошқа чораси қолмади.

Мехмонга оғзим қулогимда илжайиб кириб борганимда ҳамманинг кўзи менда бўлди, десам

ишонаверинг. Ким билсин, балки ўз-ўзимдан кулаётганим эътиборларини тортгандир. Лекин мен дўппичамга ҳаваслари келаётганига шубҳа қилмасдим... Мен уни жуда авайлаб анча кийдим. Кейин кичкина бўлиб қолди.

Дўппичамга тикилиб ўтириб сезмай қолибман — набирам кириб менинг бу бебаҳо хазинамга кўл чўзди. Бошига кийгазиб қўйдиму, худди болаликдаги ўзимни кўргандай бўлдим. Ширинтойим жуда баҳтиёр эди — чунки бошига бувисининг бувиси олиб берган дўппини кийиб, дунёдаги энг чиройли кизалоққа айланган эди.

Нариза ЮСУПОВА,
ТАТУ “Электроника” кафедраси
ўйтувучиси

КРОССВОРД

ЭНИГА:

- Бразилия миллий ўлчови бирлиги (худди шу номли давлат ҳам бор). 11. Гана пойтахти.
- Рамзлар лугатида бу тропик ўсимлики ҳосилдорлик кафолати ҳисобланади.
- Австралия ва Тасмания оролида тарқаган түякш турнири.
- Робеспер, Марат, Дантон, Сен-Жюст ... 15. Навбат.
- Спортизм.
- Тўғридан-тўғри дудбуронли хона печи.
- Қовоқни ўйиб ясалган идиш.
- Бу исм баданида қора белгиси (хол) бор, ноёб, қимматли деган мазноларни англатади.
- Дарёнинг куйилиш қисми; юон аліффосидаги ҳарф.
- ...-Энасий ёзуви.
- Сахий, қўли очиқ.
- Факултет раҳбари.
- “Шўртан” футбольчиси.
- Насрый жанр.
- Насл, зот.
- Бағрикенглиқ.
- Россия Федерацияси телеканали.
- Хакасия марказий шаҳри.
- Саноат.
- Кадимги Испания.



БЎЙИГА:

- “Қироллар ўйини”.
- Реактив кувват бирлиги.
- Беш қаторли япон шеърият жанри.
- Кулф.
- Фамгинлик, хафалик; афусуланиш.
- Чумчуқдан “кўрқадиганлар” эмайдиган экин.
- Тўпконча турнири.
- Таиланд пул бирлиги.
- Италиян рассоми ва меъмори, Ренессанс (Ўйғониш даври) атамаси муаллифи.
- Қадимги азтеклар пойтахти (XIV-XVI асрлар), ҳозирги Мексико ўрнида бўлган.
- Француз полицияси.
- Гомернинг “Илиада” эпоси қаҳрамонларидан бири.
- Бу денгиз йиртқичи номи қадимги исланд тилидаги “hakall” сўзидан олинган.
- Лотин Америкаси мамлакатларидаги суюқлик ўлчов бирлиги.
- Жаҳоннинг энг қадимий ва йирик аукционларидан бири.
- Оғирлик ўлчови.
- Хисобчилар қўллайдиган бу атама лотинчадан ўтиргандага “у қарздор” деган маънога эга.
- Марказий Африкадаги пойтахт-шаҳар.
- Суюқ овқат.
- Узук; узукнинг кўзи (мумтоз адабиёт).
- 0,4 гектарга тенг ер ўлчови.
- Табиии оғат.

Тузувчи: С.ТЕМИРОВ

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

“Ўзбекистон почтаси”
Фарғона филиали жамоаси
Кўкон почта алоқаси тармоғи
хабарчиси Шуҳратжон НАЗИРОВни 60 бахори,
Бодил, Бешарқ почта алоқаси тармоқдари ходимлари
Қодиржон ХОЛМАТОВ ҳамда Абдуҳозир ТОПИЛОВ-ларни 50 бахори билан тараккрайдай. Уларга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлари баҳти камолини кўришликни тилайди.

OBUNA-2011

Обуна давом этмоқда

Қадрли муштарийлар!

“Xabar” газетасига иккинчи ярим йиллик учун “Ўзбекистон почтаси” ОАЖнинг барча почта алоқаси бўлимлари ва “Матбуот тарқатувчи” АК шохобчаларидага обуна бўлишингиз мумкин.

Газета ҳафтанинг жума куни, 16 саҳифада, тўлиқ теледастурлар билан чоп этилади. Шошилинг, обуна давом этмоқда.



Xabar Сизниң газетаның!

Нашр кўрсантиклиги – 228.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРЛОЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусаид КЎЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатта олинган.

ТАҲРИР ҲАЙТАТИ:
Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Ҳайтат раиси), Асаджон ХЎЖАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шуҳрат СОДИКОВ, Шуҳрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош мұхаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиби).

Таҳририята келган кўллэма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланни мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олингандиги кўрсантилиши шарт.

Тизориј материјал – ❶
Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашади интернет материалындан ҳам фойдаланилади.

Газета ҳафтанинг жума куни чиқади
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзиз: Тошкент шаҳри,
“Буюқ Турон” кўчаси, 41-үй.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор шоҳкӯчаси, 8-йй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси – 228.

Газета таҳририят компютер базасида териди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.
Навбатчи: Собит АҲАДОВ.

ISSN 2010-6424

Босишига топширилди – 20.00.
Босишига топширилиш вақти – 20.00.

Видоят
муҳорида-

Андижонда 226-47-80
Бухорода 223-27-85
Гулистонда 40-12-19
Жиззахда 226-06-34
Навоида 225-91-10
Наманганда 226-61-85
Нукусда 554-35-45
Самарқандда 233-61-81
Термизда 224-06-12
Тошкентда 288-40-66
Урганчда 226-37-16
Фарғонада 224-91-56
Каршида 314-08-99